O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 24 октябрь ЧОРШАНБА

№ 87 (11.994)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Пахта – 2007

ДЕҲҚОН ҒАЙРАТИДАН ЯРАЛГАН ХИРМОН

Вилоятимиз деҳқонлари бу мавсум ҳам давлат буюртмасига кўра пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини муваффақиятли бажардилар. Пахтакорларимиз уйган баракали хирмон 275 минг тоннадан ошди.

Бундай улкан меҳнат зафари ҳеч вақт ўз-ўзидан, осонликча қўлга киритилмайди. Тармоқда кутилган самарадорликка эришиш нафақат деҳқону пахтакорни, балки шу тизимда меҳнат қилаётган минг-минглаб инсонларни жиддий синовдан ўтказади. Боиси, кўп йиллик кузатув ва тажрибалардан аёнки, ғўза парваришлаш агротехникаси ҳар бири муҳим бўлган муайян босқичларни ўз ичига олиб, улар деҳқондан юксак омилкорлик, масъулият, ғайрат-шижоат билан ёндошишни талаб этади.

Жами 108 минг гектар майдонда пахта етиштирган деҳқонларимиз айнан мана шу муҳим жиҳатларни яхши англайдилар. Шунинг учун ҳам кейинги 2-3 йил ичида вилоятимизнинг тармоқдаги муносиб довруғи қайта тикланиб, деҳқонларимиз юзи ёруғ бўлмоқда. Бинобарин, кейинги йиллар қўлга киритилаётган ютуқлар вилоятимиз пахтачилигида туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди.

Муваффақиятнинг асосий омиллари ҳақида гап борар экан, аввало, давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ва оширилаётган изчил ислоҳотлар очиб бераётган кенг имкониятларни алоҳида тилга олиш жоиз. Аграр тармоқни тубдан юксалтириш ва янгилашга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар, республика ҳукуматининг соҳага доимий ғамхўрлиги ва кўрсатаётган амалий ёрдамлари, заминдорлар муаммосини енгиллаштирувчи турфа янгилик ва имтиёзлар бугунга келиб ўз самарасини тўла намоён этаётир. Шунинг баробарида мазкур муҳим масалалар, истиқболли вазифалар ижроси вилоят ҳокимлиги мутасаддиларининг ҳамиша диққат-эътиборида бўлгани, бу йилги ҳосилнинг чинакам бунёдкорлари – фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, тизим теварагидаги катта-кичик муаммолар ўз вақтида, оқилона ҳал этилаётгани бундай муваффақиятларни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз.

– Бу йилги ҳосил тўлалигича фермер хўжаликлари далаларида етиштирилгани, пахтачиликда самарадорлик йилма-йил ошиб бораётгани фермерларнинг жамиятимизда нечоғлик катта куч бўлиб шаклланганидан далолатдир, – дейди Оққўрғон туманидаги «Покиза – М» фермер хўжалиги раҳбари, «Дўстлик» ордени нишондори Абдумалик Каримов. – Албатта, деҳқончиликнинг, хусусан, пахта етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Ҳали техника, ҳали ўғит, ҳали ёқилғи дегандек. Бу ёқда сув тақсимлаш муаммоси... Лекин бу борадаги барча машаққатлар секин-аста барҳам топаяпти. Шу маънода бугунги фермерларнинг фаолияти анча изга тушиб улгурди. Ҳар бир ҳудудда мукаммал инфратузилма шаклланди. Муқобил машина-трактор парклари,

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА:
бекободлик 85 ёшли заминдор Қаюм Жабборов (чапда) шогирди, фермер Ҳидирали Ражабалиев билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 18630 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 36900 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 18630 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 36900 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2007 йил 23 октябрь.

2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини (ШҲТ) тузиш тўғрисидаги декларация имзоланди.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон асос солган бу тузилма ўта қисқа муддатда ривожланиб, етук халқаро ташкилотга айланди.

Унинг халқаро майдондаги нуфузи йил сайин ортиб бормоқда, ташкилот сафидан жой олиш истагини билдирган давлатлар ҳам кўпаймоқда. ШҲТнинг салоҳияти ҳақида гапирганда масаланинг фақат иқтисодий жиҳати ҳисобга олинса ҳам, уни йирик иқтисодий-интеграциявий ташкилот деб аташ учун барча асослар етарлидир.

ШҲТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, сиёсат, иқтисодиёт, фан-техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат. Ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳудудида яшовчи аҳоли сони 1,5 миллиардга яқин.

ШҲТ доирасида икки юздан зиёд ҳужжат имзоланган бўлиб, уларнинг салмоқли қисми иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Хусусан, 2003 йили кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2028 йилгача мўлжалланган дастур, 2004 йилда эса уни ижро этиш режаси қабул қилинган.

Ташкилотнинг иқтисодий органлари Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмадир.

ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши 2006 йил июнь ойида бўлиб ўтган Шанхай саммитида ташкил этилган. Ноҳукумат ташкилот мақомида иш юритувчи бу тузилма ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ишбилармон ва молиявий доираларини бирлаштиради ва уларни минтақавий миқёсдаги савдо-иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, энергетик ҳамкорлик лойиҳаларига жалб этади. Транспорт ва транспорт коммуникациялари, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, агросаноат соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳам мазкур кенгаш вазифалари қаторидан жой олган. Унинг доирасида ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда хусусийлаштириш учун масъул вазирлик, идора ва банклар, савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги ривожлантирилади.

Ишбилармонлар кенгаши ҳар йили сессия ўтказиб, ўз фаолияти ва минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олади.

(Давоми 2-бетда).

Фаоллар йиғилиши

ЎЗИМИЗГА ТАЛАБЧАН БЎЛСАК

Вилоят фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди.

Вилоят фаолларининг йиғилишида 2007 йилда иқтисодий ислоҳотлар ҳамда 2008 йилда мақсадли дастурларнинг бажарилишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа иншоотларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини ғамлаб қўйишнинг бориши, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг аҳволи, уларни давлат бошқаруви идораларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида жорий этишни жадаллаштириш, пахта йиғим-теримини якунлаш, ғалла экиш ва ерларни шудгорлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида ислоҳотларнинг жадаллаштирилиши ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий равнақига катта ижобий таъсир кўрсатди. Ўтган тўққиз ойда ҳудудий ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари 15,6, қурилиш ишлари 11, чакана савдо айланмаси 22,3, пуллик хизматлар кўрсатиш 20,1 фоизга ўсди. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми ошириб бажарилди. Ташқи савдо айланмаси экспортнинг 59,2 фоиз ўсиши ҳисобига юқори суръатлар билан кўпаймоқда. Инвестициялар учун қулай муҳит яратилганлиги уларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,2 фоиз ўсишини таъминлади. Пахта тайёрлаш кўрсаткичи ошириб бажарилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида минглаб уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва якка-ёлғиз қарияларнинг соғлигини тиклаш, тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, янгиларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида кам даромадли оилаларга уч минг бошдан зиёд қорамол тарқатилди.

Лекин фаоллар йиғилиши асосий эътиборни белгиланган вазифаларни тўла амалга оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш масалаларига қаратди. Чунончи, қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, куз-қиш мавсумида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маромини пасайишига сабаб бўлувчи ҳолатларни жадал бартараф этиш лозимлиги таъкидланди. Барча ресурс ва воситалар мақсадли дастурларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этилиши кераклиги алоҳида уқдирилди.

Йиғилишда айрим тармоқларда йўл қўйилаётган камчиликлар жиддий танқид қилинди. Жумладан, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми Бекобод, Бўстонлиқ ва Янгийўл туманларида ҳамон пастлигича қолмоқда. Вилоят ташқи савдо айланмасининг ўсиши таъминланган бўлса-да, Оққўрғон, Қуйичирчиқ ва Пскент туманларида ташқи савдо алоқалари умуман амалга оширилмаган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Қ. Санақулов иштирок этди.

Йиғилиш барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

2008 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Мода ва тестиль – Moda & Textile Uzbekistan 2007» 4-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Уни ташкил этишда ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ва I. T. E. Exhibitions & Conferences Ltd ташкилоти ҳамкорлик қилмоқда.

Ушбу кўргазма мода ва тўқимачилик соҳасидаги нуфузли тадбир ҳисобланиб, у тўқимачилик маҳсулотлари, тайёр ва ярим тайёр кийимлар ишлаб чиқарувчилар, мода саноатини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган ишбилармонлар, шунингдек, модага қараб кийинишни хоҳловчи кишилар учун мўлжалланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, кўргазмада Ўртачирчиқ туманида фаолият юритувчи «Spentex Tashkent Toytepa» қўшма корхонаси ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тузилма пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича республикамизда етакчилар қаторидан ўрин эгаллаган. Корхона йилига 40 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Айтиш мумкинки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон талабларига тўла мос келади.

Феруза ТЎРАЕВА.

25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

САДОҚАТ ВА ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бутун умрини халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг турли кўринишларига қарши курашга бағишлаган ички ишлар ходимлари фаолияти бу жараёнларда алоҳида ўрин тутади.

Бугун – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни арафасида янгиланаётган жамиятимизда улар давлат вакили, ҳимоячи ва посбон, мустақиллик қалқони сифатида эъзозланмоқда.

Элнинг шуҳрати унинг иймон-эътиқоди бутун фарзандлари туфайли, дейдилар. Бундай фарзандлар Ватани, халқи осойишталигини, шон-шуҳратини, шу азиз диёр гуллаб-яшнашини ўйлайди, шу йўлда ҳалол меҳнат қилиб, қадр, обрў-эътибор топади. Бундай инсонлар ҳақида «Ўзи ҳам тинмайди, бошқаларни ҳам тиндирмайди, ёниб яшайди» дейдилар. Марҳум милиция генерал-майори Ғулом Зокиров ана шу эл-юрт ташвишида тиним билмай, олов бўлиб яшаган ажойиб инсонлардан бири эди.

У ўз билим ва тажрибасини халқ осойишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга сарфлади. У саккиз йил мобайнида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида самарали хизмат қилди.

Ғулом Зокиров масъулиятли ходим, талабчан, адолатпарвар раҳбар сифатида танилиб, ҳамиша сафдошларига ўрнак бўлди. Айниқса, ёш ходимларни сиёсий, маърифий жиҳатдан тарбиялашда, шахсий таркиб учун муносиб шарт-шароитлар яратишда ибратли ишларни амалга оширди. Унинг тарбиясини олган ходимлар бугун мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида сабот билан хизмат қилмоқдалар.

Халқимиз ўз хизмат вазифаларига содиқ қолиб, Ватан осойишталиги, ҳурлиги йўлида азиз жонини ҳам аямаган ўғилқизларининг номларини асло унутмайди.

Касб байрами арафасида эл осойишталигини, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида ўз жонларини қурбон қилган вилоят ички ишлар идораларининг мард ва жасур ходимлари – Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Валерей Говорухин, шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Бахтиёр Пўлатов, жиноят-қидирув гуруҳи катта тезкор вакили милиция майори Абдуманнов Қорабоев, Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходими Эрфан Эмираджиев, ёнғин хавфсизлиги бўлими ўт ўчирувчиси Икромжон Саидаҳмедов, Қибрай тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакили Азизжон Турсунов, қўриқлаш бўлими милиционери Зоидбек Аҳмедов ва хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган бошқа ходимлар эсга олиниб, уларнинг бурчга садоқати ҳақида сўҳбатлар уюштирилянти. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати батальони 1-отряднинг инспектори Ваҳобиддин Нуритдиновни эслаб, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор Анвар Кофизов шундай дейди:

– Нуриддинов қийинчиликлардан қўрқмас эди. Хизматдошларига ҳамиша хушмуомалада бўлиб, улардан кўмагини аямасди. 2004 йилнинг 30 март куни

(Давоми 2-бетда).

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилоят округ сайлов комиссиясининг 22 октябрь куни навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси С. Қурбонқулов бошқарди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 11 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича шаҳарлар ва туманлар чегаралари доирасида сайлов участкалари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга асосан вилоят ҳудудида 856 та сайлов участкалари тузилди. Қарор матни матбуотда эълон қилинади.

МАТБУОТ МАРКАЗИДАГИ ИЛК АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилоят округ сайлов комиссияси қошидаги матбуот марказида 23 октябрь куни матбуот анжумани ўтказилди.

Округ сайлов комиссияси раиси С. Қурбонқулов оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловга тайёргарлик борасида ҳудудда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди, уларни комиссиянинг тадбирлар тақвимий режаси билан таништирди, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш тўғрисида" қарор қабул қилинганини маълум қилди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб олдилар.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ МЕХАНИЗМИ

ШҲТнинг Банклараро бирлашмаси тўғрисидаги битим 2005 йилнинг октябрида Москвада имзоланган. Уни ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи банклари таъсис этган.

Банклараро ҳамкорликни назарда тутувчи ушбу бирлашманинг мақсад ва вазифалари инфратузилмани ривожлантиришга, юқори технологияларга, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тармоқларига оид ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик стратегик минтақавий лойиҳаларни молиялаштиришга кредит маблағларини жалб қилишдан иборат. Бирлашма савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида экспорт-импорт операцияларини ҳам молиялаштиради, унинг мижозлар ва қўшма лойиҳалар бўйича ахборот алмашуви йўлга қўйилган.

Банклараро бирлашма кенгашининг 2006 йилги Шанхай саммити доирасида бўлиб ўтган илк мажлисида унинг таъсис ҳужжатлари билан бирга қатор икки томонлама битимлар ҳам имзоланган мазкур кенгаш доирасидаги ҳамкорлик жадал ривожланаётганини кўрсатди. Жумладан, мазкур саммит асносида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Давлат банки ўртасида 20 миллион долларлик кредит битими имзоланди.

ШҲТнинг 2007 йил августда бўлиб ўтган Бишкек саммитида Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашманинг ҳамкорлиги расмийлаштирилди. Ушбу саммит доирасида Банклараро бирлашма кенгашининг мажлиси ўтказилиб, бирлашмага аъзо банкларнинг лойиҳаларни саралаш, экспертиза қилиш ва амалга оширишдаги ҳамкорлиги регламенти қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни янада фаоллаштиришнинг муҳим механизми сифатида эътироф этилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами нечоғли жадал ривожланаётганига Ўзбекистон билан ШҲТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми кўрсаткичларининг муттасил ўсаётгани яхши мисол бўла олади. 2001 йилда бу борадаги умумий кўрсаткич 1 миллиард 781,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 4 миллиард 541,8 миллион долларга етди. Жорий йилнинг январь-август ойларига доир кўрсаткич сал кам 4,2 миллиард долларни ташкил этди. Сармоявий ҳамкорлик борасида 2004 йили Тошкентда ўтган саммитда Хитой томони ШҲТ мамлакатлари учун 900 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон бу йўналишда 19 лойиҳа ишлаб чиққан ва айни пайтда уларнинг бештасини молиялаштириш юзасидан келишувга эришилган. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 196,6 миллион долларни ташкил этади.

ШҲТ мамлакатларининг иқтисодий имкониятлари ҳақида гап очилганида уларнинг учинчи давлатлар билан ҳамкорлик қилмай туриб ҳам барча талаб ва эҳтиёжларни қондира олиши аён бўлади. Масалан, Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон энергия манбаларининг йирик экспортчилари, Хитой эса йирик импортчидир. Транспорт коммуникацияларининг тармоқлари ҳам аввало ташкилотга аъзо давлатларни бир-бирига боғлайди. Ишлаб чиқариш борасида машинасозлик ва самолётсозликдан юқори технологияларгача бўлган кўплаб соҳалар ўзлаштирилган ва юксак даражада ривожланганини таъкидлаш ўринлидир. ШҲТ мамлакатлари қишлоқ, ўрмон ва сув хўжалиги борасида ҳам бир-бири билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Хусусан, Ўзбекистонда етиштирилган полиз маҳсулотлари, мевалар экспортининг асосий қисми ташкилотга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади. ШҲТ доирасида тоғ-кон ва металлургия саноати маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари савдосининг кўлами ҳам катта.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар коинотни ўрганиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ШҲТ давлатларининг иқтисодий имкониятлари фақат уларнинг салоҳияти билан чекланиб қолмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Ташкилот ҳузурида Мўғулистон, Эрон, Ҳиндистон ва Покистонга кузатувчи мақоми берилган. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисларида ушбу мамлакатлар раҳбарлари қатнашади. Яъни, ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатувчи давлатларнинг ҳам муайян иштироки бор. Демак, унинг имкониятлари ҳам шунга яраша – жуда кенгдир.

Фақат иқтисодий ҳамкорлик нуқтаи назаридан қараганда ҳам ШҲТнинг улкан салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади. Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончни, алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига қарашлар муштарак эканлигини ҳисобга олиб, ШҲТни савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ноёб механизми, деб аташ мумкин. Бу механизм тобора такомиллашиб бормоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Western Union» компанияси пул жўнатмаларининг глобал хизматлари соҳасида етакчилик қилади. У 200 мамлакат ва ҳудудда одамларга ўз пулларини бутунжаҳон бўйлаб ўтказишдаги ҳисоб-китоблар тўловида ишончли ва қулай хизматларни тақдим этади. Компания ўз фаолиятини 312 мингдан ортиқ вакиллик шахобчалари орқали олиб боради.

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ ИШОНЧЛИ

Компаниянинг Европа, Яқин Шарқ, Африка, Жанубий Америка бўйича ижрочи вице-президент ва бошқарувчи директори Хикмет Эрсек илк маротаба мамлакатимизга ташриф буюрди. У маълум минтақалардаги компаниянинг барча фаолият турлари, жумладан, сотувлар, маркетинг ҳамда молия хизмати учун масъул ҳисобланади. Шунингдек, 130 дан ортиқ мамлакатдаги 120 мингдан зиёд шахобчада олиб бориладиган амалиётлар устидан назорат ўтказади. Компаниянинг Вена ҳамда Австрия минтақавий бошқармаларида фаолият юритади.

– Ҳозирда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 22 та банк орқали компаниямизнинг осон ва қулай пул жўнатмалари хизматларидан фойдаланилмоқда, – деди Хикмет Эрсек журналистлар билан учрашув чоғида. – Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларига юборилган пул жўнатмаларининг тарифлари мунтазам пасайиб бормоқда. Шунингдек, мамлакатингизда мижозларга квитанцияларни беришда автоматлаштирилган тизимнинг жорий этилганлиги пулни жўнатиш ёки қабул қилиб олиш вақтида турли қулайликларни яратмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, Тошкент вилоятида ҳам компаниянинг хизматларидан самарали фойдаланилаяпти. Бу эса бизнес соҳаси ва истеъмолчилар гуруҳи учун кўпдан-кўп имкониятлар яратмоқда.

Хуррият МЎМИНОВА.

БОЛАЛАР УЧУН ТЕХНИКА

Тошкентда бўлиб ўтган "ICTExpo – 2007" ахборот технологиялари миллий кўргазмасида "Ахборот технологиялари – болаларга" тадбири ҳам ўтказилди.

Бунинг натижасида кўргазмада иштирок этган компаниялар таълим жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон IT-ассоциацияси даъватига биноан қатор муассасаларга техник ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциациясида болалар муассасаларига совғаларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги 21, 22-болалар интернат-уйлари, 2-мактаб-интернат, 31, 69, 231-мактаблар, "SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари"га компьютерлар, принтерлар, сканерлар, кўплаб ишларни бажаришга мўлжалланган мосламалар топширилди.

ЎзА.

Пахта – 2007

ДЕҲҚОН ҒАЙРАТИДАН ЯРАЛГАН ХИРМОН

мини-банклар, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш ашёлари билан таъминловчи шахобчалар иши тобора жонланиб, фермерларга имкон қадар камарбаста бўлмоқдалар. Бундай шароитда қойилматиб ишламаслик, бўлар-бўлмас баҳоналарни қалаштириб, уятдан ер чизиб қолиш ярашмайди. Юртбошимизнинг яқиндагина биз, пахтакорларга йўллаган табригида ҳам таъкидланганидек, бугунги ютуқларимиз деҳқонларимизда ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш туйғуси, ҳаётга фаол муносабатнинг кучайиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, одамларимиз онгу тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар самараси эканлиги аниқ.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, бугунги кунга келиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб пахта етиштириш агротехникасини ўзида мужассам этган давлат тизими яратилди. Бу ўз навбатида, эрта кўкламда чигит экишдан тортиб, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш, чеканка каби муҳим тадбирларнинг ер, тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, ўз муддатларида, оби-тобида ўтказилишини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, вилоятимизда ҳам чигит экиладиган майдонлар етук мутахассислар, тармоқ билимдонлари ва пахтачиликда суяги қотган уста деҳқонлар кузатуви ва назорати остида рисоладагидек тайёрланди. Асосий майдонларга кўп йиллардан бери деҳқонларимиз синовидан яхши ўтиб келган «С-6524», «Наманган-77», «Ан-Боёвут-2» навли чигит экилди. Яна бир қатор истиқболли навлар ҳам амалда синалди.

Ҳосил тақдирини ҳал этувчи муҳим агротехник тадбирларни рисоладагидек ўтказишни таъминлаш учун барча шароитлар яратилди. Фермер вақтида

ўғитни, ёқилғи-мойлаш ашёларини олиб турди. Банк шахобчалари фаол ишлади, МТПлар мавжуд техник имкониятларини деҳқон мушкулини енгиллаштиришга сафарбар этди.

Муваффақиятни таъминлаган яна бир жиддий омил фермер хўжаликлари моддий-техник базасининг мустаҳкамланиб бораётгани, бу борада давлатимиз уларга ҳар томонлама кўмак бериб келаётганидир. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятимиз қишлоқ хўжалиги техник имкониятларини яхшилаш мақсадида 8 миллиард сўмлик янги техника ва агротехник воситалар харид қилинган эди. Тармоқдан кўрилаётган фойданинг салмоқли қисми айнан шу мақсадга йўналтирилаяпти. Бу йил ҳам бу борада махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижроси учун катта маблағлар ажратилган. Унга кўра, вилоятимизга яна 60 та турли класс ва русумдаги тракторлар келтирилаётир. Ўз навбатида, мукаммал техник имкониятга эга бўлиб бораётган деҳқонларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин парваришлашни кечиктирмай, сифатли ўтказишга эришаётирлар. Бу, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил учун қўйилган муҳим заминдир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, илгарилари минг машаққатлар ва катта сарф-харажатлар эвазига етиштирилган ҳосилнинг салмоқли қисми ғўза зараркунандаларига бой бериларди. Бундай хавф-хатар ҳуруж қилиб, аёвсиз босганда деҳқонлар шошиб қолишарди. Уларга қарши

қўлланиладиган заҳарли дорилар ҳадеганда топилавермас, нархи ҳам жуда қиммат эди. Боз устига, зараркунандаларга қарши курашишда самарали, қулай ва арзон ҳисобланган биологик усулни қўллаш учун мавжуд имкониятлар ғоят чегаралганди.

Кейинги икки йил ичида пахтакорларга хизмат кўрсатувчи биолабораториялар тармоғи анча кенгайиб, соҳа мутахассислари билан қилинаётган ҳамкорлик ҳар томонлама манфаатли бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида вилоятимизнинг бир қатор туманларида 10 га яқин янги биолабораториялар хизмати ташкил қилинди.

Эндиги гап энг асосий жараён, етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатда йиғиб-териб олиш мавсуми хусусида. Аввало, эътироф этиш даркор, бу йилги куз об-ҳавоси деҳқонга анча қайишди. Сентябрь ойининг дастлабки кунларидаги мўътадил ҳарорат етилган чаноқларнинг бодраб очилишига, теримни барвақт бошлашга имкон яратди.

Терим мобайнида бу мавсум ҳам ўтган йили жорий қилиниб, катта самара берган отряд усули қўлланилди. Бу кутилганидек катта уюшқоқлик ва сафарбарликни таъминлади, ҳар бир теримчининг шахсий масъулиятини кучайтириш билан бирга моддий манфаатдорлигини ҳам оширди. Иш ҳақлари асосан 5 кунликда ва ҳар куни, имкон қадар дала бошида, қўшимча рағбат асосида бериб турилди. Аввало, фермерларнинг ўзи, қолаверса, кўпгина йирик корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари мавсум илғорларини муносиб тақдирлашда ташаббус кўрсатдилар.

Далалардан йиғиштириб олинган ҳосил пешма-пеш қабул пунктларига етказиб турилди. Транспорт ва тиркамали воситалар таъминотида узилиш бўлмади. Вилоят «Пахтасаноат» АЖ таркибидаги 40 дан ортиқ пахта пунктларида ҳосилни қабул қилиб олиш, тортиш ва навларга ажратиш кескин назорат остига олиниб, пухта йўлга қўйилди.

Терим қизғин тус олган паллаларда кунлик суръатни таъминлашда Қуйичирчиқ, Чиноз, Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Пскент туманлари пахтакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар зиммаларидаги масъулиятни ҳам бирин-кетин барвақт адо этдилар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, вилоятимиз иқтисоди пахтачиликдан 100 миллиард сўм атрофида даромад кўради. Шуниси қувонарлики, юртимиз иқтисодиётининг асосларидан бўлган қишлоқ хўжалигидан олинаётган даромадлар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, шаҳар ва қишлоқларни янада кўркам ва обод қилиш, ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш ва уларнинг техник базасини мустаҳкамлашга сарфланаяпти. Эътибор бераётган бўлсангиз, вилоятимизда шу йилнинг ўзида кўплаб янги ўқув ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт ва маданият иншоотлари қурилиб, ҳудудлар кўркига кўрк қўшилди. Мавжудларида таъмирлаш, жиҳозларни янгилаш ишлари авжида. Чекка-чекка қишлоқларга ҳам табиий газ ва тоза ичимлик суви тармоқлари кириб бораяпти. Бу ҳар биримизга бир олам завқ, мамнуният улашаётгани ҳам аниқ.

Масъулиятли вазифани адо этган вилоятимиз деҳқонлари айни вақтда қолган ҳосилни ҳам имкон қадар йиғиштириб олиш ҳаракатидалар. Аллақачон пахтани саранжомлаб бўлган юзлаб заминдорлар бор эътиборни кузги ғаллани текис ундириб олиш, шунингдек, шудгорни барвақт якунлашга қаратаётирлар. Бу келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта замин ҳозирланаётганидан далолатдир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА:

Бекобод туманидаги «Ойбек» пахта қабул қилиш шахобчасида келтирилган хом ашёдан сифат назорати учун намуна олинмоқда; Оққўрғон туманидаги «Қувват» фермер хўжалиги раҳбари Хоншойим Рисмуҳамедова бу йилги самарадорликдан мамнун.

Даврон АҲМАД, Пардавой ЭРГАШЕВ ва Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

САДОҚАТ ВА ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Қибрай тумани Салор шаҳарчаси Қорамурт кўчасида жойлашган милиция тўсиқ постида «Тико» автомашинасини тўхтатишди. Йўловчилар пост ходимларида шубҳа уйғотди. Автомашинадан ҳайдовчи ҳамда бир йўловчи чиқиб келишди. Аммо, орқа ўриндиқдаги икки шубҳали шахс автомашинадан тушмади. Ходимлар яқинлашганда улар ўзларини портлатиб юбордилар. Натижада В. Нуриддинов воқеа жойида олган тан жароҳати туфайли ҳалок бўлди.

Ички ишлар идораларидаги самарали хизмати, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган катта ҳиссаси учун милиция старшинаси В. Нуритдинов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 26 апрелдаги Фармонига биноан «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Жонини гаровга қўйиб, оғир хизматни бўйнига олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бўка, Паркент воқеалари, Янгиобод сарҳадларида, Бўстонлиқ туманининг узоқ тоғли ҳудудларида бўлиб ўтган жанглар, Қибрай тумани ҳудудида юз берган портлашлар, террорчи тўда аъзолари билан бўлган қонли тўқнашувлар – буларнинг барчаси вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг фидокорона хизматлари, бурч ва садоқатларини жиддий синовдан ўтказди.

Мустақиллик йилларида вилоят ички ишлар идораларининг 201 нафар ходими жиноятчиликка қарши кураш, мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш йўлида қурбон бўлди. Шуларни назарда тутиб, Юртбошимиз:



«Милиция ҳам оддий одам, аммо ҳар қайси оддий инсон ҳам милиция ходими бўла олмайди», деган эди.

Ички ишлар ходимлари юрт хавфсизлигини, халқ осойишталигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасида самарали хизмат қилмоқдалар. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар бунда муҳим ўрин тутмоқда. Чиноз тумани маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган 20 нафар профилактика инспектори-милиция таянч пунктларида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликни кучайтираётир. Хўжа маҳалласидаги милиция таянч пункти ходимларининг саъй-ҳаракатлари бу борада, айниқса, ибратли.

Яллама қишлоғининг Деҳқонобод, Ёшлик ва Ачамайли маҳаллалари қўшни давлат билан чегарадош бўлганлиги боис бу масканда профилактика тадбирлари кўплаб ўтказиб турилади. Ички бозорни мамлакатда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош истеъмол товарлари билан тўлдириш чора-тадбирлари, қолаверса, республика ҳудудига товар-моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан олиб кириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича туманда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тушунтириш ишлари кучайтирилиб, рейдлар ўтказилаётир. Шу соҳалардаги фаол ва ибратли ишлари учун Хўжа милиция таянч пункти республика кўрик-танловида энг яхши маскан деб топилди.

Ҳалол хизмат қилган инсон, албатта, ном қозонади, эл-юрт эътиборига тушади.

Ўтган йиллар давомида вилоятимиз ички ишлар идораларида хизмат қилаётган 68 ходим давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишгани фикримизнинг далили бўла олади. Лейтенант Бекзодхон Иномжонзода, капитанлар Ғанижон Алимуҳамедов ва Суннат Камолов, майор Юсуфжон Раҳмонов, подполковник Евгений Пугачёв шулар жумласидандир.

Касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.
Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қизамиқ ва қизилча ўткир юқумли касалликлардан ҳисобланади. Улар бемор одам йўталганда, аксирганда ва гаплашганда соғлом одамга юқади. Касаллик чақирувчиси – вирусдир. Ана шуни инобатга олган ҳолда 12-25 ноябрь кунлари вилоятимиз бўйлаб қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмлаш ўтказилади.

ДИҚҚАТ, ОММАВИЙ ЭМЛАШ ТАДБИРИ!

Эмлаш 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган 700 минг нафар аҳоли ўртасида амалга оширилади. Ушбу муҳим тадбир вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда «Саломатлик» институти ҳамкорлигида ташкил этилади. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, корхона ва даволаш-профилактика муассасаларида эмлаш бепул ўтказилади. Бу ишга вилоятимиздаги барча тиббиёт, маориф ҳамда нодавлат ташкилотларнинг ходимлари жалб этилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг мажлислар залида бўлиб ўтган семинар-йиғилишда ҳам оммавий эмлаш тадбирининг мазмун-моҳияти, аҳоли соғлиғини сақлашдаги ўрни, уни ташкил этиш ва жамоатчиликни хабардор қилиш йўллари ҳамда бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар теграсида фикр юритилди. Семинарда шаҳар ва туман давлат санитария-эмидемиология назорати марказлари, марказий шифохона ҳамда тиббиёт муассасаларининг раҳбар ва ходимлари иштирок этишди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА:

семинар-йиғилиш ишидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ИШОНЧ, ҒАМХЎРЛИК, МАНФААТ

ИШ БЕРУВЧИ БИЛАН ТЕНГМА-ТЕНГ

«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба қўмитаси раиси Озод Хушназаровнинг ўзига хос иш услуби кейинги йилларда тилларидан тушмай келади. Барча гап-сўзлар унинг масалаларга холис ва жиддий ёндошуви, ҳақгўйлиги ва тўғрисўзлиги билан изоҳланади. Янгиланаётган фуқаролик жамиятида, демократик ҳуқуқий давлатда меҳнатчилар хоҳиш-иродасининг ҳақиқий ифодачиси бўлган касаба етакчисининг иш тажрибасини кенг оммалаштириш ниятида эканлигимизни англаган касаба уюшмалари вилоят ташкилотчилари бирлашмаси кенгаши, қурилиш ва қурилиш материаллари ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллигида бир оғиздан Озод Хушназаров номзодини тавсия қилишди.

– Қани энди барча бошланғич ташкилотларимизда шундай етакчилар етишиб чиқса! – деди тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг вилоятдаги вакили Тўхтамиш Давлатов. – Бугун касаба етакчисига мутлақо янгича талаблар қўйилмоқда. Ишни ташкил этиш, масъулиятни зиммага олишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. У қонунларимизни пухта билиши, ўзининг нуқтаи назарини билимдонлик ва қатъият билан ҳимоя қила олиши керак. Айтмоқчиманки, касаба етакчиси иш берувчи билан тенгма-тенг фикрлаб, лозим бўлса, ишловчиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини охиригача ҳимоя қилиш даражасига кўтарилмаса, одамлар орасида обрў-эътибор топмайди. Хушназаров ана шу фазилатлари билан жамоа ўртасида ардоқли.

Бугун «Оҳангароншифер»га борсангиз, уни таниёлмайсиз. Дарвозадан киришингиз билан кейинги йиллардаги катта ўзгаришлар кўзга ташланади. Етти-саккиз йил илгари яйдоқ дашт бўлиб ётган жойларда адл йўлка, қатор арчалар кўкка бўй чўзган. Бир томондаги замонавий бостирма остида турли русумдаги енгил автомашиналар қаторқатор.

Таажжубимизни сезди шекилли, Хушназаров изоҳ берди:

– Ишловчиларимизнинг 80 фоизи ўз енгил автомашинасига эга. Қарасак, корхонага кираверишда юзлаб автомашиналар бетартиб туриб қолаяпти. Кўп ўйлаб ўтирмай, мана шу бостирмани қурдик. Энди ходим хотиржам ишлайди, чунки машинаси қишда қор-ёмғир остида қолмайди, ёз чилласида қуёш куйдирмайди.

Касаба етакчисининг айтишича, ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 400 минг сўмга бораяпти. Ўтган йили бир акцияга 2500 сўмдан дивиденд тўланди. Ҳиссадорларга бундай йиллик тўлов 4 миллиард сўмдан ошди. Ҳар бир ишловчи йилига ижтимоий жамғармалар ҳисобидан 900 минг сўмлик моддий наф кўраяпти.

Ишлаб чиқариш барқарор ривожланса, ишловчи ҳам қаддини тиклаб боради. Шунда бозорга тушса, тўрваси баракалироқ қайтади. Бу – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Корхонада маҳсулот ҳажми ортиб, сифати яхшиланаётир. Бугун Оҳангарон шифери бозорларга олисяқин хориждан келтирилаётган турдош маҳсулотлар билан бемалол рақобат қила олади. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, шу йилнинг тўққиз ойи давомида маҳсулот экспортининг ўсиш суръати 181,5 фоизга етди. Хориж бозорларига 178,55 минг долларлик маҳсулот жўнатилди.

– Лекин бугунги натижалар билан кифояланиб қолаётганимиз йўқ, – дейди касаба етакчиси. – Бошқарув кенгаши ишлаб чиқариш кўламларини энг замонавий технологиялар асосида кенгайтириб бориш дастурини изчил амалга ошираяпти. Жумладан, рангли цемент, черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти.

Ҳа, корхона бугун янгича кўлам ва сифат даражасига кўтарилаётир. Шу мақсадда инқирозга юз тутган «НТ – цемент» қўшма корхонаси сотиб олинди. Навоий шаҳрида ҳам янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилаётир. Буғ қозони ишга туширилди. Шулар ҳисобига юзга яқин янги иш жойлари очилди.

– Меҳнат шароитини яхшилаш, технологияларни такомиллаштириш ўз самараларини кўрсатаяпти, – фикрини давом эттиради Хушназаров. – Тўққиз ойда ўтган йилнинг шу муддатидагидан 5 миллиард 349 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати 118,2 фоизни ташкил этди.

Касаба қўмитаси жамоа шартномаси ижросини назорат қилишни кучайтириб, ишчи-хизматчиларда ўз ишига янгича муносабатни шакллантириш билан изчил шуғулланаётир. Бугун корхонада ишга кечикувчилар, иш пайтида «ялло» қилиб юрувчиларни учратмайсиз. «Интизом, интизом ва яна интизом!» – бу шиор ҳар бир ходим хатти-ҳаракатининг мезони. Чунки, меҳнат қадр топаётганини ҳамма кўриб, ишонч ҳосил қилаяпти. Меҳнат шартномаси асосида ишловчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва кафолат тўловларининг ўзи бу йил бир миллиард сўмга бораяпти. Ҳатто, ишламай қўйган пенсионерларга ҳам ишлаган муддатига қараб қўшимча тўловлар жорий этилаяпти. Шу мақсадлар учун 20 миллион сўм ажратилган.

Корхонада бўлганимизда маъмурият билан касаба қўмитаси бир жумбоқни ҳал қилиш учун «бош қотираётгани»нинг устидан чиқдик. Жамоа шартномасида ҳар бир ходимга қиш мавсуми учун сабзавот маҳсулотлари сотиб олишга энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. «Шу мақсад учун ажратилган 55 миллион сўмга сабзавот сотиб олиб, тарқатган маъқулми ёки тўловни нақд пул билан бериш фойдалими?» Касаба қўмитаси нақд пул бериш тарафдори.

– Чунки бугун бозорларимиз сабзавот маҳсулотларига тўла, – дейди касаба етакчиси. – Ҳам нархи арзон, ҳам сифати яхши.

КАМОЛОТ ЙЎЛЛАРИ

Хўш, Озод Хушназаров ўз фаолиятининг ҳозирги даражасига қандай кўтарилди? Аслида бошига тушган савдолар бу йигитни ҳаётдан ва ишдан бездириб, ҳафсаласини пир қилиб юбориши керак эди. Чунки у нималарни кўрмади, қандай синоатлар гирдобида қолмади. Туппа-тузук ишлаб юрган бир одамни вақти келса, жиноятчига ҳам чиқариб қўйишди, пешонасига бўҳтончи, ғийбатчи, «ёзғувчи» тамғаларини ҳам босишди. Лекин Озод ҳаммасига бардош берди. Йўлида дуч келган тўсиқларни қонун андозаси, ақл ва идрок кучи билан бартараф қила олди. Бу жараёнда жамоанинг кўпчилик аъзолари уни қўллаб-қувватлашди, унга ишонишди. Ва бугун шуни рўй-рост айтиш мумкинки, унинг йўлига тўғаноқ бўлган амалдорлар, касаба уюшмаси идоралари айрим раҳбарларининг уни қизғин ижтимоий фаолиятдан четлаштиришга қаратилган жамики уринишлари чиппакка чиқди.

Озоднинг «Оҳангароншифер»га келиб қолиши Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлига ўтиши, мамлакатда давлат тили жорий этилиши жараёнлари билан боғлиқ. Бунгача у кўп йиллар «Оҳангарон» туман газетасида ижодий иш билан машғул бўлди.

– Корхонанинг ўша кезлардаги раҳбари Урайимқул Ирисқулов мени таржимон лавозимига таклиф қилди, – деб эслайди бугун Хушназаров. – Мен учун мўлжалланган хизмат хонасига бошлаб кирди-да: «Қани, энди ишга киришавер, – деди. – Албатта, дастлабки пайтлари қийин бўлади».

Шу тариқа корхонада иш ҳужжатлари ўзбек тилида юритила бошланди. Дастлабки кунларни эслаб, Озод майин кулимсирайди: «Билсангиз, раҳбар биринчи буйруқни имзолагач, бўлимма-бўлим айланиб, унинг мазмун-моҳиятини ўринбосару мутахассисларга бир-бир тушунтириб чиқибман. Сабаби – маъмуриятда асосан русийзабон кишилар ишларди. Ирисқулов: «Ҳатто ўзим ҳам ўзбекчада қийналиб гапираман, – дерди. – Сен энди ҳаммамизни ўқитиб, тилимизни чиқарасан».

Шундай ҳам бўлди. Ҳам таржимонлик, ҳам давлат тилини ўрганиш курсидаги машғулотлар бири-бирига омухта бўлиб кетди.

– Шу пайтгача касаба қўмитаси раиси асосий ишдан ажралмаган ҳолда фаолият юритарди, – деди орадан олти-етти ой ўтгач, Ирисқулов Озодни ҳузурига чақириб. – Энди касаба қўмитаси ўз мустақил штатига эга. Раисликка сенинг номзодингни қўймоқчимиз.

Конференция арафасида корхонада Озод хусусида турли «миш-миш»лар тарқалди. Эмишки, Озод – жиноятчи, судланган. Бошқалар у корхонада янги одамлигига ишора қилиб, ишлаб чиқаришни билмайди, дейишди. Бу гаплар кўпчиликни гангитиб қўйди. Аммо, узунқулоқ гапларнинг ҳаммасига директор чек қўйди.

– Тўғри, касаба қўмитаси раиси корхонани яхши билиши керак, – деди Ирисқулов конференцияда сўз олиб. – Лекин сизларнинг етакчингиз хатли-саводли, қонун-қоидани яхши биладиган, мустақил фикрлайдиган одам бўлгани яхши эмасми? Ахир, бу фазилатларга эга бўлмаган киши маъмурият билан қандай талашиб-тортишади, сизларнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз, манфаатларингизни қандай ҳимоя қилади? Айни шу жиҳатларни ҳисобга олиб, мен раисликка Озод Хушназаров номзодини таклиф қиламан.

Шундан сўнг касаба аъзолари унга якдил овоз беришди. У раис сифатида фақат муҳрнигина қабул қилиб олди. Бу – 1993 йилнинг 10 февраль куни юз берди.

– Мана бу жиҳозларнинг барини кейинчалик касаба қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобидан олдик, – деди раис икки хонани эгаллаган замонавий мебель ва иш юритиш техника воситаларига ишора қилиб. – Аслида ҳаммасини маъмурият бериши керак. Лекин у ҳолда касаба ташкилотининг мустақиллиги қаёқда қолади?

Озод бутун вужуди билан ишга киришиб кетди. Уй-жой, ишловчиларни дам олдириш, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақини вақтида тўлаш... Эҳ-ҳе, касаба ташкилотининг етакчиси ҳал қилинишига аралашиши, уни сайлаган ишчи-хизматчилар номидан ўз фикр-хулосаларини билдириши керак бўлган муаммолар озми?!

Лекин Урайимқул Ирисқулов туҳмат билан вазифасидан четлаштирилгач, ишлар орқага кета бошлади. Кейинги раҳбарлар одамларни жипслаштира олишмади, тажрибасизлик қилишди. Боз устига, ошна-оғайнигарчилик, шиферни «шапкаси» билан пуллаш авж олди. Бу ҳолатларни рўй-рост танқид қилиб гапиргани учун Хушназаровнинг уйига ўт қўйиб юборишди.

Қора булутлар унинг боши узра яна ҳам қуюқлашиб бораверди. Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг ўша пайтлардаги раиси корхона раҳбарларининг йўриғига юриб, зимдан касаба қўмитаси раисини ўзгартириш ҳаракатига тушиб қолди. 1998 йил 22 декабрда ҳисобот-сайлов конференциясини чақиришди. Унда прокуратура терговчисининг касаба етакчисини жиноят қилишда айбловчи тақдимномасини муҳокама қилишни режалаштиришганди. Лекин Озод Хушназаров эсанкираб қолмади. У шаҳар прокурорига учрашиб, барча хатти-ҳаракатлар ғайриқонуний эканлигини исботлаб берди. Тақдимнома бекор қилинди.

Лекин Марказий қўмитадаги валломатлар ғайриқонуний кирдикорларини давом эттираверишди. 1999 йил 9 мартда Хушназаровнинг иштирокисиз касаба қўмитаси мажлисини ўтказиб, ўрнига бошқа одамни раисликка сайлаб қўйишди. Озод бу ғайриқонуний уринишни ҳам бартараф эта олди. Лекин шу ғаламисликлар туфайли у бетоб бўлиб юрган кезлари Марказий қўмитага чақириб, корхона кузатув кенгашининг шикоят хатини пеш қилишди.

– Сиз ишдан бўшадингиз, – деди Марказий қўмита раиси.

Касаба идорасининг ҳайбаракаллачи амалдорлари корхонага бориб, касаба қўмитаси мажлисини чақиришди. Мажлис бош директор хонасида бошланди. Хушназаров: «Касаба қўмитаси ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилса-ю, Марказий қўмита танқид учун мени таъқиб қилаётган директорни ёқласа, буни қандай тушуниш мумкин?», деди-да, мажлисдан намойишкорона чиқиб кетди. Шундан кейин у 7,5 ой ишсиз юрди. Ниҳоят, Олмалиқ шаҳар судьяси Раъно Мирвосилова унинг даъво аризасини кўриб чиқишга виждонан ёндошиб, касаба ташкилотида ноқонуний конференция ўтказилишига асос бўлган ўша қарорни бекор қилиш ҳақида ажрим чиқарди ва уни вазифасига тиклади.

Лекин раҳбар касаба идоралари учун бу ҳам сабоқ бўлмади. 2000 йил 14 январга белгиланган ҳисобот-сайлов конференциясида муқобил сифатида маъмурият ҳам ўз номзодини таклиф қилди. Овозга қўйиш чоғида раислик қилувчи «паришонхотирлик» билан иккинчи бўлиб рўйхатга олинган муқобил номзодни биринчи бўлиб овозга қўйиб юборди. Лекин энди делегатлар анча тушуниб қолишганди. Уларнинг 93 фоизи иккинчи бўлиб овозга қўйилган Хушназаровни қувватлади. Бу «ҳангомалар»ни бошлаган бош директор эса кўп ўтмай, ҳибсга олиниб, суд ҳукми билан қамалиб кетди.

Яна бир можарони ҳам ишчи-хизматчилар ҳалиҳануз унутишгани йўқ. Ўшанда бош директор ўринбосари хом ашё тежалгани учун ходимларни мукофотлаш ҳақида касаба қўмитаси билан келишмай буйруқ тайёрлаб, ўзига катта миқдорда мукофот ёзиб олган эди. Бундан хабар топиб, Хушназаров уни қаттиқ огоҳлантирди. Лекин амалдор унга қулоқ солмади. Шундан кейин касаба қўмитаси ҳуқуқ идорасига расман мурожаат қилишга мажбур бўлди. Оқибатда ноқонуний буйруқ бекор қилинди.

Раҳбарларнинг тез-тез ўзгариб туриши, маъмуриятдаги баъзи амалдорларнинг бошбошдоқлиги сабабли корхонада ишлар издан чиқа бошлади. Бундан ташвишланган Озод Хушназаров «Ўзқурилишматериаллари» ҳиссадорлик компанияси раиси Эркин Акромов қабулига кириб, «Оҳангароншифер»да вужудга келган вазиятни батафсил тушунтирди.

– Корхонада муносиб номзод топиладими? – сўради Акромов касаба етакчисига синовчан тикилиб.

– Гап асли мана шунда, – деди Хушназаров. – Ҳозир корхонамизда бу юкни кўтара оладиган одам йўқ.

Компания раиси ўйланиб қолди.

– Рости, ходимлар захирасини тарбиялаш масаласига жиддий эътибор бермаганимиз оқибати бу, – деди Акромов. – Бу масала билан ўзимиз бевосита шуғулланамиз.

Шу тариқа 2002 йил 24 сентябрда «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раислигига Исмоил Исматов тайинланди. Бунгача у «Бекободцемент»да бош муҳандис бўлиб ишлаётган эди.

– Дастлаб орамизда айрим тушунмовчиликлар бўлиб турди, – дейди кулимсираб Хушназаров. – Лекин Исмоил Шарифовичнинг қатъиятли, билимдон, ўз сўзининг устидан чиқадиган йигит эканлигини тез орада билиб олдик.

Дарҳақиқат, янги раҳбар корхонада тартиб ўрнатишга қаттиқ киришди. Аввало, тайёр маҳсулотни автотранспортларда олиб чиқиб кетишларга чек қўйилди. Ортиқча харажатлар қисқартирилди. Ходимларда ишнинг пировард натижаси учун масъулият кучайтирилди. Ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти изга солинди. Асосий ишлаб чиқаришлар – шифер ва қувур цехларида янги технологик линиялар ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада корхона фойда олиб ишлашга ўтди. Маъмурият билан касаба қўмитаси ўртасидаги келишув ва шартномалар бу жараёнларда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

«ЎЗИМИЗНИНГ ОДАМ»

Бугун – Озод Хушназаров корхона бошқарув кенгашининг аъзоси, жамоада ҳақгўй, қатъиятли етакчи сифатида танилган баобрў раҳбарларнинг бири. Ўтган йиллар мобайнида у корхона ишчи-хизматчилари билан шунчалик қоришиб, уларнинг ишончини шунчалар билан ҳам, оддий электрик ёки фаррош билан ҳам суҳбатлашиб, масалаларни жойида ҳал қилиб кетаверади. Каттаю кичик унинг шу фазилати учун «Хушназаров ўзимизнинг одам» деб алқайди. Бунинг сабаблари кўп. Биз уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Касаба қўмитаси ишчи-хизматчилар онгига миллий мафкурани сингдириш, жамоада маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар ёзувчилар, шоирлар, санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, малакали ҳуқуқшунослар, таниқли олимлар иштирокидаги давра суҳбатларини ташкил этишда намоён бўлаётир. Корхонанинг амалдаги жамоа шартномаси орқали ишловчиларни миллий мафкура, мустақиллик ва она юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда. Аввало, ана шу сингари тадбирларнинг моддий асоси яратилганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Бу борада шуни айтиш кифояки, ижтимоий ҳимоя ва маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш мақсадларига бу йил корхона ҳисобидан 832 миллион, касаба қўмитаси ҳисобидан 76 миллион сўм маблағ йўналтириляпти.

Чунончи, шу бир йил мобайнида Ўзбек миллий академик театрининг актёрлари корхонага таклиф қилиниб, ишчи-хизматчиларга «Андишали келинчак», «Уч кунлик дунё», «Қирмизи олма» спектакларини намойиш қилишди. Бу томошалар ходимларда катта таассурот қолдирди.

– Вақт топсак, имкон бўлмай, шу пайтгача театр томошаларидан бебаҳра қолиб келардик, – дейди хизматчи Мавлуда Ҳамроева. – Миллий академик театримиз санъаткорларининг ижросидаги бу томошаларни мириқиб кўрдик. Ҳар бир спектакль ички дунёмизни бойитиб, ҳаётга кенгроқ назар ташлай бошладик гўё.

Шифер цехининг оператори Шарифа Усмондиёрова бу фикрни давом эттириб, шундай деди:

– Санъаткорларнинг корхонамизга келиб, театр қўйиб беришлари руҳимизни, қадрдон корхонамизга, ишга муносабатимизни кескин ўзгартириб юборди. Шундай жамоада меҳнат қилаётганлигимиз билан фахрланамиз.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

СУРАТЛАРДА:

(юқорида) черепица цехи ишчиси Камолиддин Эргашев; (чапда) ишчи Елена Беланова; (ўнгда) касаба қўмитаси раиси Озод Хушназаров ишчилар даврасида; (пастда) ишчи Мавжуда Эргашева.

Бир куни қурилиш цехининг ишчиси Эсонбой Холиқов касаба қўмитасига кўзларида мунг ва алам билан кириб келиб:

– Ўғлим ўн тўрт йилдан буён шифтга тикилиб ётади. Туман меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлими эса унга ногиронлик аравачаси ажратишни пайсалга солиб келаяпти, – деди.

Касаба қўмитаси бу масалани кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилди. Корхона ишчисининг фарзанди учун касаба ташкилоти ҳисобидан 200 минг сўмга аравача сотиб олиб берилди.

Диспетчер Иззатилла Эржоновнинг уйи бутунлай ёниб кетди. Касаба қўмитасининг тавсияси билан бу масала бошқарув кенгашида кўриб чиқилиб, ишчи хонадонига дастлабки ёрдам тариқасида 4 миллион сўм нақд пул ажратилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида бундай хайрли ишлар яна ҳам кўпайди. Бошқарув кенгашининг мажлиси қарори билан Оҳангарон шаҳрида ёлғиз қариялар, пенсионерлар, уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 100 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Яқинда Ўртачирчиқ туманида қайта таъмирланиб, ишга туширилган шифохона учун минг дона шифер ажратилди. Умуман, болалар спортини ривожлантириш мақсадларига тўққиз ойда 55 миллион сўм сарфланди. Йил бошидан буён ишловчиларга маъмурият ва касаба қўмитаси 209 миллион сўм маблағ ажратди. Кўп йиллар корхонада ишлаб, эндиликда пенсия олаётган кексаларнинг соғлиғини тиклаш учун 2 миллион сўмлик йўлланма сотиб олинди.

Албатта, бундай хайрли ишларда касаба қўмитаси раисининг бевосита иштироки муҳим ўрин тутади. Ҳар бир ҳолатда маъмурият Хушназаровнинг нуқтаи назарини алоҳида эътиборга олади, у билан ҳисоблашади. Тўғри, маъмурият билан касаба ташкилоти ўртасидаги муносабатлар жамоа шартномасига асосланади. Лекин, унинг ижроси устидан жамоат назоратини амалга ошириш касаба қўмитаси зиммасида. Агар етакчи талабчанлик кўрсатмаса, жамоа шартномасига киритилган кўпгина имтиёзлар қоғозда қолиб кетиши мумкин.

Касаба етакчиси ҳақида сўз очилса, муросасизлик, ўзаро тотувлик ҳақида гапиришади. Лекин, гап фақат шунинг ўзида эмасда. Бирор бахтсиз ҳодиса юз берса, дилинг оғрийди. Иш берувчи эса: «Товон пулини тўлайман» деб қутилиб кетади. Лекин гап бунда эмаску?!

– Гап ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда, – дейди Озод Хушназаров. – Бунинг учун корхонада уч босқичли назорат, иш жойларини шаҳодатлаш йўлга қўйилган. Умуман, кейинги йилларда меҳнат муҳофазасини яхшилашнинг хилма-хил чора-тадбирларини оқилона ташкил этиш учун сарфланаётган маблағлар деярли 30 миллион сўмга кўпайиб, шу йилнинг саккиз ойидаёқ 432 миллион сўмга етди.

Касаба қўмитаси ходимларни дам олдириш ва спорт-соғломлаштириш, туристик саёҳатлар уюштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётир. Бунинг учун жамоа шартномаси асосида касаба қўмитасига иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида маблағ ўтказиб берилаётир. Бу – йилига 108 миллион сўм деган сўз.

* * *

Ниҳоят, суҳбатимиз якунланди. Меҳнат фаолиятини туман газетасида бошлаган Озод Хушназаров ўн беш йилдан буён «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти бошланғич касаба ташкилотига етакчилик қилмоқда.

У кўп мамлакатларга сафар қилди. Бу дунё мўъжизаларини кўриб, лол қолган кезлари кўп бўлди. Лекин ҳар гал саёҳат тугаб, она юртига қайтаётганида, қалбини азиз ва мукаррам Ўзбекистон учун ифтихор туйғуси эгаллаб олади. «Мана, ҳинду арабни кўрдим, дунё эса кенг. Ҳали юракда ушалмаган орзуларим, ёзиб улгурмаган мисраларим бор, – деб ёзади у «Мен кўрган дунё» китобида. – Кўп ўтмай, самолёт пастлай бошлади. Пастда чароғон кўчаларга тўла улкан бир шаҳар ётарди. Бу менинг азиз Тошкентим эди».

Ўзи туғилиб ўсган юрт тупроғини кўзларига тўтиё билган шундай инсонлар бор экан, Ўзбекистон гуллаб-яшнайверади. Ⓣ

Саҳифани Ўзбекистон Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ ҳамда Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.

НОН АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Хорижий телеканаллардан бирида намойиш этилган ғалати лавҳа хаёлимдан кетмайди: эр-хотин нон бўлакларини печларда қуритиб, турли шакллар ясашар, бир гала ҳайбаракаллачи уларнинг бу "санъат асарларини" оғзи кўпириб мақтарди.

Очиғини айтганда, нон бўлакларидан одам ва ҳайвон ҳайкалчаларини ясаган бу эр-хотиннинг "санъати" таҳсинга эмас, жазога лойиқ эди, аслида.

Зеро, нон наинки ўзбеклар, балки ер юзидаги барча элу элатлар учун муқаддас неъмат ҳисобланади. Бу фикрнинг исботи учун истаганча мисол келтириш мумкин.

Андерсен эртакларини барчамиз севиб ўқиганмиз. Улардан бирида нонни оёғи остига ташлаган қизча ботқоққа чўкиб, алвасти қўлига тушади. Ғазабланган алвасти қизчани чумчуққа айлантириб қўяди. Бечора "қушча" ўзи оёқости қилган нонни пишириш учун етадиган даражада дон тўплаганидан кейингина асл ҳолига қайтади...

Не ажабки, инсоният тараққиёт чўққиларини забт этган бир пайтда қарашлар, тушунчалар ҳам ўзгариб бормоқда. Эҳтимол, тўкинлик, фаровонлик, моддий имкониятларнинг кенглиги ҳалиги эр-хотинни шу ҳолга солиб қўйгандир, деган хаёлга боради киши. Таассуфки, нонга нисбатан ҳурматсизликни бошқа юртларда ҳам кузатиш мумкин.

Шарқ мамлакатларидан бирида бўлган ҳамкасбимиз гапириб қолди: ўша юртнинг пойтахтида жуда катта нон бозори бор экан. Ажабланарлиси шундаки, у ерда одамлар учун эмас, моллар учун нон сотилар экан.

– Чорвадорлар қотган нон қолдиқларини тарозида тортиб олаётганини, тепкилаб қопларга жойлаётганини, кураклар билан юк машиналарига ортаётганини кўриб, қаттиқ таъсирландим, – дейди суҳбатдошим.

Нон ҳайкалтарошлик ашёси сифатида ишлатилаётган, ахлатхоналарга улоқтирилаётган, чорва молларига едирилаётган бир пайтда кўпгина юртларда ҳали-ҳануз қорни нонга тўймаётган, бир тишлам нонга зор бўлаётганлар оз эмас. Бир қатор Африка мамлакатларида ҳар йили юз минглаб инсон, айниқса, болалар очлик қурбонига айланаётгани халқаро жамоатчиликни ташвишга солаётгани ҳам ҳақиқат.

Афсуски нонга эътиборсизлик, исрофгарчилик ҳоллари юртимизда ҳам учраб туради. Айтайлик, молларига нон бераётган юртдошларимиз йўқ, дейсизми? Тўймаъракаларда, зиёфатларда дастурхон тўла бурда бўла туриб, меҳмонлар ҳурмати учун бутун-бутун нонларни ушатишганини ҳам кўп кўрганмиз. Меҳмонлар тарқалганидан кейин, дастурхонлар устидан бир дунё нон бўлаклари йиғиштириб олинади. Хўш, бундай ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?!

Аждодларимиз нонни улуғликда муқаддас китоблар билан қиёслашган. Бу ҳақдаги ривоятлар, мақолу маталлар халқ оғзаки ижодида истаганча топилади.

Нон билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналаримизни бир эслаб кўрайлик. Меҳмонга бораётган одам, албатта, ҳеч бўлмаганда иккита нон кўтариб олади. Меҳмонга ҳам аввало нон тортилади. Чақалоқ бешикка белганида ҳар доим ёстиғи тагига нон қўйилган – боши омон, ризқи бутун бўлсин, деб. Узоқ сафарларга, жангу жадалларга кетаётган йигитларга нонни тишлатиб, деворга осиб қўйилган – ой бориб, омон қайтсин, шу хонадондан насибаси узилмасин деган маънода. Вақти-бемаҳал, қоронғида йўлга чиққан йўловчи доимо ёнида нон олиб юрган – нон ҳамроҳ бўлсин, ёмон кўздан, инс-жинсдан асрасин дея.

...Маҳалламизда бир кампир бўларди. Болаларни жонидан ортиқ кўрарди. Неваралари дастурхонда ушатилган бурдалар туриб, бутун нондан синдириб беринг, дея хархаша қилса у бир бурдани бутун нон устига қўярдида, гўё унинг бир четини "синдириб" олган бўлар, кейин ҳалиги бурдани неварасига узатарди. Бола ҳам айтганини қилдирганидан, гапи ерда қолмаганидан хурсанд. Кампир эса нонни болалардан қизғангани учун эмас, уни беҳуда исроф қилмаслик мақсадида шундай йўл тутарди.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги қаҳатчиликни ҳам, уруш йилларидаги "нон авлиё – ош пайғамбар" бўлган пайтларни ҳам бошидан кечирган момонинг нон ҳақидаги жуда кўп ибратли гапларини эшитганман.

– Очарчилик йилларида кунжара еб, шишиб ўлганлар кўп бўлган. Менинг ҳам бир акам ўша пайтларда нобуд бўлганди. Раҳматли онам сепига қўшиб берилган тилла билагузуги-ю балдоғини заргарга обориб, бир дўппи буғдойга алишиб келган эди, – дея болалик йилларини хотирларди момо. – Буғдой-арпа ош бўлур, олтин-кумуш тош бўлур, деган гаплар ўша кунлардан қолган бўлса керак-да, болам.

Минг қатла шукрки, юртимизда тўкин-сочинлик, фаровонлик. Истиқлол йилларида ғалла мустақиллигига эришдик. Собиқ тузум даврида ғалланинг асосий қисми юртимизга четдан келтирилган бўлса, эндиликда далаларимизда етиштирилган дон халқимиз эҳтиёжларини таъминлаб қолмай, хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Бу Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати, мустақиллигимиз шарофатидан.

Доннинг, нонларнинг мўллиги, сероблиги юртимиздаги тўкинлик, фаровонлик белгисидир. Бу нон ва нон маҳсулотларини, умуман, озиқ-овқатни исроф қилиш мумкин, дегани эмас. Аксинча, тўкинлик-фаровонликнинг қадрига етиб нонларнинг ушоғини ҳам увол қилмай, кўзимизга суришимиз ва бошқаларни ҳам шунга чорлашимиз ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Олий табақа

«МЕТАЛЛУРГ» – НИҲОЯТ УЧИНЧИ ҒАЛАБАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Мамлакат миллий чемпионатида давом этган икки ҳафталик танаффусдан сўнг навбатдаги 24-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Сўнгги ўринни банд этиб турган Бекободнинг «Металлург» жамоаси сафарда «Вобкент» жамоасига қарши майдонга тушди. Бу икки жамоанинг аҳволи танглиги учун майдонда очиқ ўйин намойиш этилди. Вилоятимиз вакиллари ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва майдон эгалари дарвозаси олдида кетма-кет хавфли ҳолатларни содир эта бошладилар. Ниҳоят, 65-дақиқада Жонибек Ҳамдамов майдон эгалари дарвозасини аниқ нишонга олиб, ўз жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Киритилган тўпдан руҳланган «металлург»чилар ҳужумни янада кучайтира бошладилар. Майдонга тўпурарлардан яна бири Баҳром Умаров туширилди. Ўйиннинг охирги дақиқалари «Металлург»нинг устунлигида ўтди. Лекин 1:0 ҳисоби ўзгармай қолди. Бу уларнинг чемпионатдаги учинчи ғалабалари эди. Аммо, жадвалда ҳамон охирги поғонани банд этиб туришипти.

Кучлилар сафини тарк этишга иккинчи номзод «Вобкент» жамоаси эса, 14 очко билан ҳамон 15-ўринни банд этган. Бу икки жамоа чемпионатнинг қолган беш турида кучли жамоалар билан баҳс юритишларини инобатга олсак, улар кейингги йил мавсумини биринчи табақада кутиб олишлари ҳеч гап эмас.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» – «Бухоро» 5:1, «Қурувчи» – «Самарқанд-Д» 2:1, «Нефтчи» – «Трактор» 4:1, «Андижон» – «Машъал» 0:1, «Насаф» – «Қизилқум» 5:2, «Тўпаланг» – «Навбаҳор» 2:0, «Шўртан» – «Локомотив» 1:1.

Чемпионатда «Пахтакор» 66 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Қурувчи» жамоаси 59 очко билан иккинчи ўринни банд этган. «Машъал» жамоаси 57 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

Биринчи табақа

УЛАР КУЧЛИЛАР САФИДА

35-турда пешқадам «Сўғдиёна» «Шаҳрихон» жамоаси билан дуранг ўйнади. «Уз-ДОНГ ЖУ» жамоаси эса «НБУ» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этди.

Бу икки жамоа учинчи ўриндаги жамоадан 20 очкога ўзиб кетди. Улар 17-миллий чемпионатни кучлилар сафида ўтказиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси 35-тур учрашувини кеча ўтказди. 34 учрашувдан сўнг 58 очко тўплаб, жадвалда еттинчи ўринни эгаллаб турибди. Олмалиқнинг «ОКМК» жамоаси эса, 35 турдан сўнг 45 очко тўплаб, жадвалда 14-ўринни банд этган.

Талъат ЮСУПОВ.

Шундан кейин

ОЛТИН ТАҚВИМ САВДОДА

Токиодаги заргарлик дўконларининг бирида соф олтиндан ясалган 2008 йилнинг деворий тақвими сотувга қўйилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, унинг оғирлиги қарийб олти килограммга тенг.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, эни 67, бўйи 42 сантиметрли кўзни қамаштирувчи тақвим расмлар билан безатилган. Ҳозирча у ягона нусхада тайёрланган. Баҳоси ўттиз миллион иенга (250 минг АҚШ доллари) тенг.

ЗАХИРАДА КЎП, АММО ҚИММАТ

АҚШ энергетика вазирлигининг маълумотларига қараганда, мамлакатда стратегик нефть захираси 1,8 миллион, бензин захираси эса 2,8 миллион баррелга кўпайган.

Шунга қарамай, Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдода бир баррель нефть 89,47 АҚШ долларига баҳоланди. Бу кўрсаткич аввалги савдода қайд этилган нархдан 2,07 доллар кўпдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "қора олтин" баҳосининг ошишига мамлакатда нефть маҳсулотларига талабнинг кун сайин ортиши сабаб бўлмоқда.

15 ЁШЛИ ГАЗЕТХОН

Яқинда Коста-Рикадаги газеталар томонидан ўтказилган энг қийин талаффуз қилинадиган номлар танловида 15 ёшли йигитча Галилей Эйнштейн ғолиб деб топилди.

Отаси фарзандини шу ном билан атаб, бир йўла икки даҳога ўз ҳурматини изҳор этган. Қариндошуруғлари ўз вақтларини аяб, уни оддийгина қилиб «Гали» деб аташади. Шунга қарамай, болакайга ҳавас қилса бўлади! Унга адаш қидириб овора бўлманг, барибир тополмайсиз.

Хотира турнири

КЕЙИНГИ БОСҚИЧ ЙЎЛЛАНМАСИ

эртанги учрашувда ҳал бўлади

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида мини-футбол бўйича Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган 3-анъанавий турнирнинг гуруҳ баҳслари бошланди. Эътиборли жиҳати, юртимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилаётган мазкур мусобақалар нуфузи йилдан-йилга ошиб, иштирок этувчи жамоалар сони ҳам кўпаймоқда.

22 октябрь куни турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг жамоалар гуруҳ ўйинларига киришдилар. Дастлабки ўйинни «Маърифат» газетаси футболчилари билан ўтказиб, мағлубиятга учраган «Тошкент ҳақиқати» жамоаси кеча «Ватанпарвар» газетаси ижодкорларига қарши тўп сурдилар. Рақибларига муносиб қаршилик кўрсатган «ҳақиқат»чилар 7:6 ҳисобида зафар қучишди.

Илк муҳим очколарни қўлга киритган жамоамиз гуруҳдан чиқиш учун навбатдаги жиддий рақиб – «Машъал-Садо» тахририяти футболчиларини мағлуб этишлари лозим. Ҳар иккала жамоа учун ҳам кейинги босқич масаласи айнан шу ўйинга боғлиқ. Муросасиз кечиши кутилаётган бу муҳим учрашув эртага бўлиб ўтади.

Машҳурлар ҳаётидан

ШОИРНИ МОТ ҚИЛИШДИ

Ғафур Ғулом сайру саёҳатни, одамлар орасида бўлишни яхши кўрарди. Кунлардан бир куни у Фарғона водийсининг гўзал Шоҳимардон қишлоғига бориб қолади. Чойхонада қариялар билан гурунглашиб ўтирганда ундан сўрашади:

– Хўш, меҳмон, сўраганнинг айби йўқ, ўзлари қаердан бўладилар?

– Тошкентдан.

– Нима касб қиладилар?

– Мен... шоирман.

Мезбонлар гарчи машҳур шоирни яхши таниб туришсада, унинг ҳазилкашлигини билишгани учун бир тегажоқлик қилгилари келади.

– Кечирасиз, биз ўқимаган, оми одамларга мундоқ оддийроқ қилиб тушунтириб берсангиз – шоир дегани нима иш қилади ўзи?

Ҳали-ҳамон нимкосани пайқамаётган шоир шляпасини ёнига қўйиб, астойдил гапира бошлайди:

– Хўш, буни сизларга қандай тушунтирсам экан? Масалан, мана бу шарқироқ сойнинг нариги томонидан бир йигит тулпор от миниб келди дейлик, бу томондан эса бир парирухсор гўзал қиз кўза кўтариб сувга чиқади. Биз шоирлар шунақа воқеаларни шеърга солиб, икки ёшни ўзаро қовуштириб қўямиз.

– Э-ҳа, – қишлоқнинг содда одамлари меҳмонга ажабланиб қарашади, – шуни сизларда шоир дейдиларми? Бизда эса буни «қўшмачи» дейишади.

Водийнинг кулгисевар, ҳазилкаш одамлари орасида ўтирганини эслаган шоир қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади.

ЁРДАМГА КИМ МУҲТОЖ?

Ғафур ака ёш ижодкорларга жуда ғамхўр эди. Бир куни «Шарқ юлдузи» журналига ёш шоирнинг шеърларини ўзи олиб келади.

– Бўладиган болага ўхшайди. Шеърларини босиб чиқаринглар.

– Сизни бекорга овора қилибди-да. Шеърларини таҳририятга юборса ҳам бўларди.

– Истеъдодли ёшларга ёрдам бериш керак, истеъдодсизлари ўзи ёриб ўтаверади, – дейди Ғафур ака.

ҚОПҚОҚНИ ЧАЙИБ ИЧИШАДИ

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳазилмутойибалари, нозик қочиримлари, ажойиб лутфлари ўзига хослиги, бетакрорлиги билан замондошларининг хотирасида муҳрланиб қолган. Адибнинг гоҳо шунчаки айтган оддий гапи ҳам нишонга бехато тегар, ҳамсуҳбатида завқ-шавқ уйғотар эди.

Кунлардан бир куни устоз ўз уйида овқатланиб ўтирганида рафиқаси Кибриё хоним унга чой қуйиб узатади. Шу маҳал кутилмаганда чойнакнинг қопқоғи шарақлаб пиёлага тушиб кетади. Мундоқ қараганда, айтгулик ҳеч нарса бўлгани йўқ, тўқимтабиатроқ одам хотинига «Қопқоқни чойнакка маҳкамроқ боғлаб қўйсанг ўлармидинг, фаросатсиз», дея ўшқириши мумкин эди. Аммо устоз адиб ундай демайди. Айбини билиб, хижолат бўлиб турган хотинига кулимсираб, оҳиста гап қотади:

– Хайрият, чойнакнинг қопқоғини чайиб ичадиган кунларга ҳам етиб келдик.

ҲАВАСКОР ШОИР

Атоқли шоир Миртемир домла ниҳоятда камтар-камсуқум, содда, боладай беозор ва хокисор инсон бўлган. Кунлардан бир куни устоз «Шарқ юлдузи» журналининг шеърият бўлимига иш юзасидан телефон қилади. Бўлим мудири, ёш шоир Шукур Қурбон домла билан илгари камроқ мулоқотда бўлгани учунми, отахон шоирни овозидан таний олмайди ва ботиниб сўрайди:

– Кечирасиз, мен ким билан гаплашяпман?

– Бу мен, бўтам, ҳаваскор шоир Турсунов Миртемир...

– К-кечирасиз, домла...

Шодмон ОТАБЕК.

Кулганга нима етсин?

Йўловчи деҳқондан сўради:
– Бу икки қишлоқнинг ораси неча километр келади?
– Бу ерни қишлоқ дейдилар, бу ерда километр бўлмайди.

* * *

Магазин хўжайини янги сотувчисига:
– Умуман олганда, мен сиздан мамнунман. Лекин битта камчилигингиз бор.
– Қандай камчилик, афандим?
– Харидорларга нарсаларнинг нархини айтаётганда доим қизариб кетасиз.

* * *

Бир аёл паришонхотир олимга боласи йўқлигидан шикоят қилди.
– Балки бу ирсият ҳодисасидир, – деди олим, – айтингчи, онангиз фарзанд кўрганмидилар?

* * *

– Кеча сиз маҳалла аҳлининг умумий йиғинида бўлдингизми?
– Йўқ. Мен уйда ухладим.

ОЛОМОННИНГ КЎНГЛИНИ ЮМШАТГАН БОЛА

Лев ТОЛСТОЙ

(Ҳикоя)

– Уни ўлдириш керак! Отиб ташлаш керак! Унинг жойи жаҳаннамда! Бу одамхўрни итдай сўйиб ташлаган савобга қолади!

Эркаклару аёллардан жам бўлган оломон арзи самони ларзага келтириб бақирарди. Оломоннинг олдида эса, қўллари боғланган қадди расо, бўйдор бир кимса бошини баланд кўтарганча, бир-бир қадам босиб борарди. У келишган йигит эди. Шу билан бирга унинг мағрур қиёфасида атрофдаги бақироқларга нафрат ва ғазаб акс этиб турарди.

Бу йигит одамларга жабр қилди. Ана энди у жазосини олиши керак. Уни албатта, қатл этадилар.

«Начора? – деди у ўзига ўзи, – кишиларга зулм қилдим. Энди ҳукм улардан. Бир бошга бир ўлим, дейдилар. Тақдири азалда ёзилгани шу бўлса, нима ҳам қилардим?» Йигит ҳамон кўчани бошига кўтариб шанғиллаётган оломонга киноялий илжайиб қараб қўйди. Оломон қийчув қилиб, уни қатл майдони томон ҳайдаб борарди. Катта кўчага бурилдилар. Халойиқ жунбушга келди:

– Хўв, нега вақтни ўтказяпсанлар?! Бу ярамасни шу ернинг ўзида бошидан жудо қилиш керак!

– Нари турларинг, мен отиб ташлай қолай бу қонхўрни!

Асир йигит бу гапларга парво қилмади, аксинча, қаддини ғоз тутиб, жимгина илгарилайверди. Ғазабнок халойиқ эса, ҳавога мушт ўқталарди.

Қатл майдонига ҳам етай деб қолдилар. Шу пайт издиҳомнинг этакроғида бир болакайнинг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилди. Олти ёшлардаги бир бола оломонни тирсаклаб ёриб ўтмоқчи бўлар, «Дада! Дадажон! Қаёққа кетаяпсиз! Тўхтанг! Мени ҳам олакетинг!» деб йиғларди. Норасида гўдакнинг ноласи таъсир қилдими, халойиқ бир лаҳза жимиб қолди, сўнг ғайритабиий бир кучга дуч келгандай, беихтиёр болакайга йўл берди. Болакай чириллаб йиғлаганча, тобора отасига яқинлашиб борарди.

– Муштдеккина экан бечора! – деди бир аёл болага қараб.

– Сенга ким керак, болакай? – деб сўради яна бир хотин унинг бошини силаб.

– Дадамнинг олдига бораман! – деди бола чириллаб. – Мени қўйворинглар, дадажонимнинг олдига бормоқчиман...

– Ёшинг нечада, болакай?

Ўғил саволга савол билан жавоб берди:

– Дадамни нима қилмоқчисизлар? Нега унинг қўлларини боғлаб қўйдинглар?

– Ҳой бола, оёқ остида ўралашмай, уйингга жўна, онанг излаб юргандир?

Асир йигит ўғлининг илтижосини ҳам, мужикнинг уйингга жўна, деган гапини ҳам эшитган эди. Ўғли ўрнига ўзи жавоб берди:

– Унинг онаси йўқ, етим, – деди қовоғини солиб. Бола эса, оломонни оралай-оралай, ниҳоят отасининг олдига бориб, қўлларига осилди. Сийналари қаҳрга тўла тўда ҳамон, уни осиш даркор, йўқ, отиб ўлдириш керак, дея ҳайқирарди.

– Болам, нега бу ёққа келдинг, уйга бор, – деди ота.

– Нега бу кишилар сизни боғлаб қўйишибди? Нима қилишмоқчи? – деб сўради ўғил.

– Ўғлим сенга бир маслаҳат бор.

– Нима қилай, дада?

– Катюшани биласан-а?

– Кўшнимизми? Биламан.

– Сен ҳозир ўша Катюшаларникига боргин-да, ўтириб тур. Мен ортингдан етиб бораман, хўпми?

– Сизни ташлаб ҳеч қаёққа бормайман! – деди бола ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Нега унақа дейсан? Ахир айтдим-ку, мен... изингдан етиб бораман, деб.

– Ёлғон. Улар сизни ўлдиришмоқчи. Ҳали эшитмадингизми?

– Йўғ-е, унчалик эмас. Улар... улар менга зиён етказишмайди.

Банди йигит ўғлини ерга қўйди ва халойиққа етакчилик қилиб бораётган кишининг олдига борди.

– Менга қаранг, биродар, – деди банди, – мени қай йўсинда, қачон ўлдирсаларинг ҳам розиман. Фақат бу иш мана бу боланинг кўз ўнгида бўлмасин. Илтимос, икки дақиқага қўлларимни ечиб қўйинглар. Қўрқманг, қочиб кетмайман. Мен ўғлимга бу амакинглар менинг оғайниларим бўлади, биз сайрга чиққанмиз, дейман. Шунда ўғлим уйга кетади. Кейин, майли, қанақасига қатл этсаларинг ҳам туриб бераман.

Оломон сардори бандининг илтимосига рози бўлди. Ота ўғлининг ёнига қайтди.

– Болам, бор энди, уйга бориб, Катяларникида ўтириб тур.

– Сиз-чи, сиз нега мен билан кетмайсиз?

– Булар менинг оғайниларим бўлади. Биз бироз айланамиз, кейин мен ҳам уйга кетаман. Мана, кўрдинг-ку, қўлларим ҳам ечилган. Боракол.

Болакай отасининг юзига тикилиб, ўйланиб қолди. Кейин ишонқирамай деди:

– Ростдан ҳам уйга борасизми?

– Бораман дедим-ку, ўғлим, албатта бораман.

Бола ортига қарай-қарай, истамайгина жўнади. У кўздан ғойиб бўлгач, банди йигит сардорга қараб деди:

– Энди мен ўлимга тайёрман, қани, бошласинлар.

Шу пайт ақл бовар қилмайдиган мўъжиза рўй берди. Ҳозиргина томоқларини йиртгудек бўлиб бировга ўлим тилаётган бешафқат оломоннинг кўнгли бирдан юмшади. Уларнинг кўксида кишини ўйга толдирадиган илоҳий бир нур пайдо бўлган эди. Битта аёл аста гап қўшди:

– Менга қолса... унинг гуноҳидан кечиш керак.

Аёлни кимдир қувватлади:

– Яратган эгам раҳмдил бўлинглар, деган. Бу йигит ҳам худонинг осий бир бандаси. Келинглар, қўйвора қолайлик...

Бирор соатдан бери «Осилсин! Отилсин!» деб ҳайқираётган халойиқ энди жўровоз бўлиб, «Қўйворилсин! Гуноҳи ўзига!» деб қичқира кетди. Мағрур банди йигит эса, қўллари билан кўзларини беркитганча, йиғлаб юборди. У оломонни ёриб ўтди ва калласини осилтирганча, уйига, ўғлининг олдига елиб кетди.

Саъдулла СИЁЕВ таржимаси.

Рассом хандаси



XXI аср техникаси.

Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

ЧП «NELY+SERVIS» (ОКПО 22168303) Сергелинского района г. Ташкента **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются в течении 1 месяца по телефону: 58-65-67.

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ қуйидаги автомобилларни таклиф этади.
Маҳсулот сертификатланган

Барча бож тўловлари ҳисоби билан
Тошкент шаҳри, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 54А, Мўлжал: метронинг Буюк Ипак йўли бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www.kiamotors.com

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-940. Адади 3619. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.15. 2 3 4 5 6